


Таниб олинг



11:00 / 14.05.2022 3869

Аёлнинг қандайлиги эри фақир бўлиб қолганда билинади.

Эрнинг қандайлиги, хотини касал бўлиб қолганда билинади.

Ака-укаларнинг қандайлиги, мерос тақсимланаётганда билинади.

Дўстнинг қандайлиги, бошга ташвиш тушганда, машаққат пайтида билинади.

Мўминнинг қанақалиги, бошига синов келганда билинади.

Абу Бакра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг олдиларида бир киши зикр қилинганди, бошқаси уни мақтади. Шунда Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ҳолингга вой бўлсин! Биродарингнинг бўйнини синдирдинг», – дея бир неча марта такрорлаб, – «Агар сизлардан бирингиз мақташдан бошқа йўл топа олмаса ва у (мақталаётган киши) шундай бўлиб кўринса, «Уни шунақа деб ўйлайман. Ҳисоби эса Аллоҳгадир (асли қандайлигини Аллоҳ билувчироқдир)», десин. Ҳеч кимни Аллоҳнинг олдида (қатъий) оқламасин», дедилар».

Имом Бухорий ва Муслим ривояти.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху бир киши бировни мақтаётганини эшитдилар ва ундан «Ўша одам билан бирга сафар қилдингми?» деб сўрадилар. У «Йўқ» деди. «Ўша одамга аралашиб, у билан олди-берди қилдингми» деб сўрадилар. У яна «Йўқ» деб жавоб берди. Шунда Ҳазрати Умар «Ундан бошқа илоҳ бўлмаган Аллоҳга қасамки, сен у одамни танимас экансан» дедилар.

Баъзан бирор кишини ўрганмай, синамай туриб, уни мақтаб юборамиз. Мақтов ҳам гувоҳликнинг бир кўриниши.

Сафарга чиқиш, пул олди-бердиси қилиш, бирга яшаш каби ҳолатларда биз мақтаб юрган кишиларнинг асли қандайлиги фош бўлади.

Хуллас, бирор кишини мақташга қизиқмаслик, бордию мақтагингиз келса, кўзингизга яхши одам бўлиб кўринса, унда юқоридаги ҳадисдаги гапни айтиш керак.

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси